Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 3 август, пайшанба. №93 (21.856.) Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЮНИСЕФ-ЭКОСАН ФОНДЛАРИНИНГ «АСПЕРА» ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Орол денгизи минтақаси болалари ва хотин-қизларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ халқаро болалар фонди ва «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро фонди иштирокида соғломлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. ЮНИСЕФ ва ЭКОСАН фондларининг Ўзбекистоннинг Орол денгизи минтақасида болалар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Аспера» экология ва минтақавий ёрдам лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, «Аспера» лойиҳасини маблағ билан таъминлаш юқорида кўрсатиб ўтилган халқаро ташкилотлар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши «Аспера» лойиҳасини амалга оширишда лойиҳа экспертлари ва консультантларига хизмат хоналари, турар жойлар ва автотранспорт бериш масалаларини ҳал этишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги «Аспера» дирекцияси билан биргаликда:

кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга оширишга оид ташкилий-техник чора-тадбирлар режасини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлансинлар;

унда лойиҳа дирекциясида уни амалга оширишнинг бутун даврида ишлаш учун бир нафардан малакали мутахассисларни, уларнинг асосий иш жойларидаги иш ҳақларини сақлаган ҳолда, ажратишни назарда тутсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси «Аспера» лойиҳасини амалга оширишда ёрдам кўрсатсинлар.

5. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси, «Ўзавтотранс» давлат корпорацияси республикага «Аспера» лойиҳаси доирасида келаётган юкларнинг белгиланган жойгача ўз вақтида ташиб келтирилишини таъминласинлар.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги лойиҳа дирекциясини жойлаштириш учун «ЭКОСАН» фондига қўшимча 100 квадрат метр майдонга эга бўлган бино ажратсин.

7. Давлат солиқ қўмитаси «Аспера» лойиҳасини амалга ошириш учун республикага келтириладиган юклар, асбоб-ускуналар ва дори-дармонларнинг пошлиналар ва божхона тартиб-қоидалари билан боғлиқ бошқа тўловларни ундирмасдан оператив тарзда ўтказилишини таъминласин.

8. «Ўздавтелерадио» компанияси, газеталарнинг таҳририятлари «Аспера» лойиҳаси қандай амалга оширилаётганини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритсинлар.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий масалалар ва маданият бўлимига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 31 июль

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 1995 йил 30 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 1 август.

***

Олий Мажлиснинг учинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилади:

1.Сайловчиларнинг фикрини ўрганиш юзасидан Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида тузилган Комиссия ахбороти.

2. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

3. Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси тўғрисида.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг умумий қисми лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилади).

5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилади).

6. «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

7. Концессиялар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

8. «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилади).

9. «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

10. «Меҳнат шуҳрати» орденини таъсис этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

11. «Шон-шараф» орденини таъсис этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

12. «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво флоти кунини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

13. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлис ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳам депутатлар муҳокамасига қўйиш мўлжалланади.

СПОРТ БАЙРАМЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Вазирлар Маҳкамасида 26 август-3 сентябрь кунлари Тошкентда ўтказиладиган теннис бўйича Ўзбекистон Президенти кубоги учун халқаро мусобақаларни ўтказувчи ташкилий қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди. Мажлисда вазирликлар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Теннис бўйича Президент кубоги учун пойтахтимизда 1994 йилда илк бор ўтказилган халқаро мусобақаларга жаҳонда катта қизиқиш билдирилган эди. Бу йилги мусобақаларни янада юқори савияда ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Мажлисда мазкур тадбирни ўтказишга масъул раҳбарлар ахборотлари тингланди.

Шунингдек, мажлисда сентябрь ойининг охирида Тошкентда ўтказиладиган бокс бўйича Осиё чемпионатига тайёргарлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича ҳам мутасадди раҳбарлар ахборот бердилар.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари Ў. Исмоилов, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА).



Паррандачиликни ҳам ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида самарали тармоққа айлантириш муҳим масалалардан биридир. Жалолқудуқ туманидаги паррандачиликка ихтисослашган «Ойим» ҳиссадорлик жамоасида олиб борилаётган ишлар бу соҳада арзигулик қадам қўйилишига умид туғдиради.

Суратда: жамоанинг саноат бўлими илғор ишчиси Дилфузахон Сиддиқовани кўриб турибсиз.

Х. АРАББОЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1995 йилнинг I ярим йилида иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ва уларни янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 1995 йилнинг I ярим йилида иқтисодиётнинг барча соҳаларини изчил ўзгартириш, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устиворликларини ва асосий йўналишларини амалга ошириш, давлат корхоналарини акциялаштириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлар анча фаоллаштирилди.

Кўп укладли иқтисодиёт шаклланди: товарлар, сармоя ва қимматли қоғозлар бозорлари фаолият кўрсата бошлади. Барча корхоналарнинг ярмидан кўпроғи, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасининг деярли бутун ҳажми нодавлат сектори улушига тўғри келди.

Ислоҳотларнинг боришини баҳолашга янгича ёндашишлар ҳамда унинг кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Улар асосида минтақалар ва тармоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Вазирлар Маҳкамаси мажмуилари мажлисларида кўриб чиқилди. Ҳисобот маълумотларининг ишончлилиги анча ошди ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги ҳисобот берувчи корхоналар ва ташкилотлар доираси кенгайди.

Амалга оширилаётган бюджет ва пул-кредит сиёсати натижасида республикада молиявий ва иқтисодий барқарорлик таъминланди, миллий валюта мустаҳкамланди. Давлат бюджети дефицити умуман ярим йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,6 фоизни ташкил қилди. Инфляция даражаси кескин қисқарди-йил бошидаги 16—17 фоиз ўрнига у июнь ойида 1,9 фоизгача қисқарди.

Эмиссиянинг нақд пул муомаласидаги салмоғи I чоракдагига нисбатан икки баравар пасайди. Вексель тизимининг оборотга жорий қилиниши дебиторлик ва кредиторлик қарзининг анча қисмини тўлаш имконини берди.

Устувор тармоқлар, энг авало базавий тармоқлар ишлаб чиқариши таркибида муҳим ўзгаришлар юз берди. Нефть, газ ўтган йилдагига қараганда кўп қазиб олинди, республика хомашё ресурсларидан нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Ялпи ғалла ҳосили сезиларли даражада — 1,9 баравар ўсди, сабзавот, мева, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўпайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ялпи ҳажми ярим йилликда ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 110,7 фоизни ташкил этди.

Хорижий мамлакатлар билан ташқи савдо оборати ўсмоқда, у ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 46,5 фоизга кўпайди. МДҲ мамлакатлари билан ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларда ижобий сальдо таъминланмоқда.

Шу билан бирга, халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида ислоҳотлар жараёни ниҳоятда суст ва расмиятчилик билан амалга оширилмоқда, асосий эътибор миқдорий томонга қаратилмоқда.

Уюшмалар, концернлар ва корпорациялар, ҳокимликларнинг раҳбарлари таркибий номутаносибликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга, ишлаб чиқариш пасайиши, сотилмай қолган маҳсулот қолдиғи кўпайиши сабабларини ўрганиб чиқишга етарли эътибор беришмаяпти. Улар корхоналарни модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш, экспортга йўналтирилган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, истеъмол бозорини товар билан тўлдириш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш, ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўришмаяпти. Зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг сони кўпаймоқда — улар 1995 йилнинг I чорагидаги 695 тадан 745 тага етди.

Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Сурхондарё, Жиззах, Навоий вилоятларида ва Тошкент шаҳрида саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш қониқарсиз ташкил этилган. Наманган, Бухоро ва Жиззах вилоятларида нақд пул эмиссияси қисқартириш бўйича белгиланган кўрсаткичлар бажарилмади.

Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиёт фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси (Жуманиёзов), Бухоро (Раҳмонов) ва Фарғона (Исломов) вилоятлари ҳокимларига, «Ўзмашсаноат» уюшмаси (Собиров), «Махсусқотишма» республика бирлашмаси (Мақсудов), «Ўзсувқурилиш» концерни (Жуманиёзов), «Кўмир» акционерлик бирлашмаси (Лелеко) раҳбарларига ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор муносабатларини жорий этиш, фаолиятининг молиявий, техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, конъюнктурани ва ишлаб чиқарилган маҳсулот сотиладиган бозорни ўрганишга доир ишлар улар томонидан қониқарсиз амалга оширилаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Уларга бир ой муддатда юзага келган номутаносибликни бартараф этиш ва молиявий-иқтисодий барқарорлаштиришнинг аниқ дастурларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилсин.

2. Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Михайлов), «Ўзбошёғочқурилишсаноат» бошқармаси (Ҳаитов), «Ўзбектрансқурилиш» уюшмаси (Омельницкий) ва «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси (Зокиров) раҳбарлари бир ой муддатда тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотларни хусусийлаштириш ва уларни очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантириш бўйича тармоқ дастурларининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар ва бажарилишини Вазирлар Маҳкамасига маълум қилсинлар.

3. «Ўзавтотранс» корпорацияси (Ахметов) 1995 йилнинг иккинчи ярмида йўловчилар ташишни амалга оширувчи корхоналар қонунчиликда белгиланган тартибда очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, вазирликлар, уюшмалар, концернлар ва корпорациялар билан биргаликда қурилиши тугалланмаган объектлар рўйхатини бир ой муддатда аниқласин ва уларни сотиш учун ким ошди савдосига қўйсин.

5. «Ўзсаноатқурилишбанк» (Ибодов) Ҳукуматлараро битимларга кўра МДҲ мамлакатларидан етказиб берилаётган маҳсулотлар учун маблағларни корреспондент счётлардан ўтказишни истеъмолчи корхоналар олдиндан тўловни «Ўзулгуржибиржасавдо»нинг ҳисоб-китоб счётига сўмларда ўтказганларидан сўнггина амалга оширсин.

6. Молия вазирлиги, Марказий банк, «Пахта-банк», Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўн кун муддатда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 1995 йил пахта ҳосили учун векселлар чиқарилиши тўғрисидаги таклифларни, бу векселлар билан қишлоқ хўжалиги техникаси, ёқилғи-мойлаш материаллари, кимёвий препаратлар етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобни амалга оширишни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги бир ой муддатда иш билан таъминланишга муҳтож бўлган ва хусусий иш ташкил этишни хоҳловчилар билан ишлашни ташкил қилиш тўғрисида Низомни Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда қайтариш асосида, Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиявий қўллаб-қувватлашни назарда тутсин.

8. Зарар кўриб ишловчи корхоналарни тугатиш республика комиссияси (Ҳамидов) тижорат банклари иштирокида шу йил 20 августгача зарар кўриб ишловчи корхоналар рўйхатини аниқласин ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда уларни банкрот деб эълон қилсин. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига тижорат банкларининг банкрот корхоналар бўйича тақдимномаларини тезкорлик билан кўриб чиқиш ва улар бўйича қарор қабул қилиш тавсия этилсин.

Олий хўжалик суди томонидан банкрот деб эътироф этилган корхоналар рўйхати оммавий ахборот воситаларида кенг эълон қилинсин.

9. Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда жойларда корхоналар ва ташкилотлар учун жорий этилган барча қўшимча йиғимлар ҳамда тўловларни қайта рўйхатдан ўтказсинлар. Айни вақтда амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган йиғимлар ва тўловлар бекор қилинсин, «Маҳаллий солиқлар тўғрисида»ги Қонунни бузган шахслар эса маъмурий жавобгарликка тортилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда нақд пулнинг банкдан ташқари оборотини камайтириш механизмига доир таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси:

бир ой муддатда мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотлар учун статистик ҳисоботларнинг янги шаклларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда уларни бир шаклга келтиришни ва анча соддалаштиришни назарда тутсин;

йил охиригача ҳудудий, тармоқ ва республика даражаларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини таҳлил қилиш ва ислоҳотларнинг боришини баҳолаш бўйича методик тавсияномаларни пухта ишлаб чиқсин ва нашр этсин.

12. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, уюшмалар, корпорациялар, корхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда экспортга мўлжалланган ва ташқи бозорларда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича аниқ таклифлар ва устувор лойиҳаларни ишлаб чиқсинлар ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Пул-кредит сиёсати бўйича Ўзбекистон Республикаси комиссияси (Ҳамидов) Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришга зарур бюджет ва кредит маблағлари, шу жумладан эркин алмаштириладиган валюта маблағлари биринчи навбатда ажратилишини назарда тутсин.

«Ўздавстандарт» маркази Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Миллий эталон базасини ташкил этиш юзасидан таклифлар киритсин.

13. Машинасозлик, кимё ва металлургия мажмуи (Пайғин), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар ва корпорациялар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ўз илмий ишланмаларимиз асосида, хорижий фирмалар лицензиялари бўйича республикада машиналар ва асбоб-ускуналар, мини-технологияларнинг илғор турларини, рақобатга бардошли тайёр буюмларни ишлаб чиқариш юзасидан таклифлар киритсинлар ҳамда 1996 йилдан бошлаб уларнинг ишлаб чиқарилишини йўлга қўйсинлар.

14. Мева-сабзавот маҳсулотларини сотишни ташкил этиш республика комиссияси (Жўрабеков), «Узмевасабзавотузумсаноат» (Носиров), «Ўзтайёрловсавдо» (Қурбонов) уюшмалари вилоятлар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотларини республика бозорларида ҳамда МДҲ мамлакатларида сотишни жадаллаштириш учун уларни тайёрлаш тизимини ташкил этишни тубдан яхшилансинлар ва жамоа хўжаликлари, фермерлар ва аҳолидан сотиб олишни таъминласинлар.

15. Ўзбекбирлашув ва «Узбексавдо» уюшмаси раҳбарлари Молия вазирлиги, тегишли идоралар билан биргаликда омборларда узоқ муддат сақланаётган товарларни сотиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва 1995 йил учинчи чораги мобайнида амалга оширсинлар.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, вазирликлар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари шу йил 1 сентябргача корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларни 1995/96 йилнинг кузги-қиш даврида ишлашга ўз вақтида тайёрлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширишни таъминласинлар.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирликлар ва идоралар томонидан қонун асосида қабул қилинган норматив ҳужжатлар ва йўриқномаларни икки ой муддатда таҳлил этиб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонунчилик нормаларига зидлиги аниқланган қарама-қаршиликлар ва номувофиқликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 31 июль.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

БУТРОС ҒОЛИЙ ДАЪВАТИ

БМТ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Ғолий Хорватия ҳукумати ва Серб краинаси раҳбариятини кенг қўламли уруш ҳаракатларининг олдини олишга даъват этди. Бугун Женевада Хорватия ва Серб краинаси раҳбарияти ўртасида музокаралар ўтказилади. Собиқ Югославия бўйича тинчлик конференцияси мувофиқлаштирувчи қўмитаси ҳамраиси Т. Столтенберг бу музокараларда Хорватия томони ҳам иштирок этишга розилик билдирганини айтди.

БИРДАМЛИКНИ ТИКЛАШНИ ЁҚЛАБ

ҚОҲИРА. Миср Президенти Хусни Муборак ва Иордания подшоси Ҳусайн Искандарияда журналистлар билан учрашув чоғида. Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорликка эришиш жараёнини янада тараққий эттириш зарурлигини таъкидлади, Икки давлат раҳбарлари араб мамлакатларининг Форс қўрфазидаги урушдан сўнг сусайган бирдамлигини тиклашни ёқлаб фикр билдирдилар.

НОРОЗИЛИК ШИОРИ ОСТИДА

КОПЕНГАГЕН. Данияннинг Орҳуз шаҳрида Франциянинг ядро синовларини бошлаш ҳақидаги қарорига норозилик шиори остида велопойга бошланди. Пойганинг дастлабки босқичида Дания Бош вазири Поуль Расмуссен етакчилик қилди. Норозилик намойишида 50 нафарга яқин данияликлар иштирок этмоқда. Улар орасида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, таниқли сиёсатчилар бор.

ТЕЛЕКОРПОРАЦИЯНИ СОТИБ ОЛДИ

НЬЮ — ЙОРК. «Вестингауз электрик» саноат корпорацияси АҚШдаги энг йирик телерадио эшиттириш корпорацияларидан бири бўлган «СИ-БИ-ЭС» корпорациясини сотиб олгани маълум қилди. Бу сўнгги икки кун ичида етакчи Америка телекомпанияларига оид иккинчи келишувдир. Утган душанба куни «Уорлд Дисней» корпорацияси 19 миллиард долларга «Эй- Би- Си» телекомпаниясига тегишли бўлган «Капитал Ситиз — Эй- Би - Си» компаниясини ҳарид қилган эди.

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАРНИ ТЎХТАТИШГА БУЙРУҚ БЕРДИ

ГРОЗНИЙ. Чеченистон қуролли тузилмалари бош штаби бошлиғи Аслан Масҳадов ўз бўлинмаларига «Қуролли тузилмаларнинг ихтиёрий равишда қурол, ҳарбий техникани топшириш ҳамда федерал қўшинларни Чеченистон республикаси ҳудудидан босқичма-босқич олиб чиқиш юзасидан қўйилган вазифаларни бажариш» тўғрисида буйруқ берди. Буйруқда тузилмаларга 2 августдан бошлаб ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш топширилган.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ БАЁНОТИ

ЕРЕВАН. Утган шанба куни Ереванда бир гуруҳ шахслар ҳибсга олинди. Республика Президенти қошидаги Хавфсизлик кенгаши ушбу гуруҳнинг режалаштирган ҳаракатлари ноқонуний булиб, у нафақат кишиларнинг улимига, балки утган парламент сайловлари натижаларини обрусизлантиришга қаратилгани хусусида баёнот берди.

Арманистон Миллий хавфсизлик вазирлиги ҳибсга олинганлар орасида «Дашноқцутюн» мухолиф партияси раҳбари Ваган Оганесян ҳам борлигини маълум қилди. Баёнотда ушбу гуруҳ «Дашноқцутюн» партияси таркибида ҳаракат қилаётган «Дро» қуролли яширин разведка ташкилоти билан боғлиқлиги таъкидланади. Хавфсизлик Кенгаши фикрича, ҳибсга олинган гуруҳ парламент сайловининг иккинчи босқичи белгиланган куни террор ҳаракатларини утказишни режалаштирган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Туркистон — умумий уйимиз

ДЎСТЛИК — ҲАЁТ ТИРГАГИ

Тинчлик ва осойишталик ҳам, фаровонлик ва қут-барака ҳам, Ватан ободлигию кўнгиллар шодлиги ҳам ана шу муқаддас туйғунинг меваларидир. Миллат ва элатлари ўзаро дўст-иноқ бўлган юрт ривожланади, равнақ топади.

Яқинда Узбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан Дўстлик туманида «Туркистон — ягона уйимиз» мавзуида ўтказилган ҳудудий-амалий конференция иштирокчилари Ватанимиз халқлари ўртасидаги барқарор дўстлик ва биродарликни янада мустаҳкамлаш ҳақида фикр юритдилар.

Амалий конференцияга Пахтакор, Зафаробод, Арнасой, Дўстлик ва Мирзачўл туманлари партия кенгашлари биринчи, иккинчи котиблари, вилоят миллий-маданий марказлари раислари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари таклиф этилдилар.

Амалий конференцияда нутқ сўзлаган Узбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Гуландом Субҳонова дўстлик — ҳаёт ва яшашнинг мустаҳкам тиргаги эканини, қадим Туркистон халқлари бу муқаддас туйғуни ҳамма нарсадан азиз ва устун қўйишларини, уни улуғлаш ҳамда мустаҳкамлашда юртимиз раҳбарлари ниҳоятда ишланувчанлик билан иш юритаётганини ҳаяжонли тарзда ҳикоя қилди.

Дўстлик тумани ҳокими А. Ҳожимуродов айтдики, туманда 27 миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қиладилар. Улар худди бир оила аъзоларидек ҳамжиҳат. Шу сабабдан ҳам кейинги пайтларда туман иқтисодиётида ижобий ўзгаришлар қилиниб, катта меҳнат ютуқларига эришилмоқда. Жумладан, давлатга 40 минг тоннадан зиёд ғалла сотилди, 55 минг тонна пахта етиштириш йўлида барча қийинчиликлар биргаликда бартараф этилмоқда.

Анжуманда сўзлаган вилоят қозоқ миллий- маданий маркази раиси, Мирзачўл туман ҳокимининг ўринбосари Қ. Батанов: «Дили, тили, дини ва урф-одатлари бир халқмиз, шундай экан, Ватанимиз бир бўлмаслиги мумкинми?»— дер экан, минг карра ҳақдир.

Амалий конференция қизиқарли ўтди. Унда сўзлаган Жиззах Давлат педагогика институти кафедра мудири У. Қосимов, ХДП Зафаробод туман кенгаши биринчи котиби Ш. Мавлонов, Дўстлик туман кенгаши биринчи котиби Х. Мустафоев, «Мевазор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ё. Қувватов ва бошқалар ҳам халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга оид фойдали фикр-мулоҳазалар ва амалий таклифлар айтдилар.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партия ва ҳаёт

ҲАМ БЎЙИГА, ҲАМ...

Денов туман халқ таълими бўлими йўриқчиси Омон Йўлдошев партиявий тапшириқни — халқ таълими тизимидаги ҳудудий партия ташкилоти котиблигини жамоатчилик асосида (маош олмасдан) бажармоқчи эди. Кенгаш бу фикрга қўшилмади. Ишлаяпсизми, ҳалолингиз бўлсин, деб маош белгилади.

Туман партия кенгаши биринчи котиби Жаббор Иброҳимовнинг айтишича, ҳудудий партия ташкилотининг ишлари кўнгилдагидай. Ҳатто, нисбат бериб айтиладиган бўлса—намунали. Кейинги икки йил ичида партия аъзолари 400 нафар кўпайди (Жами 537 кишига етди). 50 та цех партия ташкилоти шаклланди. Омон Йўлдошев бўлса партиявий ички статистика чўтига ташлашга хуши йўқ. Тўғри, аъзонинг кўпайгани, ташки лотнинг кўпайгани ёмон эмас. Лекин, тарозининг палласига қуруқ рақамни қўйган қайдаю, қилинган амалий ишларни қўйган қайда.

Амалий ишлар: мактаб жамоаларида Президентимиз китоблари мутолааси ташкил этилди. Тарих ўқитувчилари бу тадбирга дуруст жалб қилинди. Таълим-тарбия соатларида ўқувчиларга мавзуни мустақил давлатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар моҳиятига боғлаб шарҳлашга эътибор кучайтирилди. Ўқитувчиларнинг иқтидорли болалар билан ишлаши жонлантирилди. Айниқса, партия аъзолари, айтиш мумкинки, бу борада намуна кўрсатмоқдалар.

Дарҳақиқат, ҳудудий партия ташкилотлари билан туман кенгашининг ҳамкорлиги яхши. Ишлар бақамти, режалар маслаҳатли амалга ошириляпти. Муаммоларни эса ўртада биргаликда ҳал этишга одатланишган. Ютуқлар, тажрибалар оммалаштирилмоқда.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Риштон туман кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Илгари туман партия кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаган М. Обидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вазифасидан озод қилинди. Риштон туман партия кенгашининг иккинчи котиби бўлиб ишлаб келаётган Ўлмасбой Бекмирзаев туман партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Долзарб мавзу

ПАХТА ҚАДРИ ТУШМАЙДИ

— дейди Самарқанд вилоят пахтани қабул қилиш, қайта ишлаш ва сотиш ҳиссадорлик ҳудудий бирлашмаси бошқарувининг раиси Келдиёр РОЗИҚОВ

— Келдиёр ака, ўтган йилги ишларингиздан кўнгил тўлган эдими?

— Нима учун тўлмас экан? Мен сизга айтсам, 9 та завод ва 49 та пунктнинг ҳаммаси бетўхтов ишлади. Энг муҳими, ҳосилнинг 64 фоизини биринчи, 16 фоизини иккинчи навга қабул қилдик ва шу кунгача уларни қайта ишлаб, тегишли корхоналарга жўнатдик. Мавсум давомида бирорта «ЧП» бўлмади.

— Демак, бу йил ҳам мавсумга ана шундай тайёргарлик кўргандирсизлар?


— Тўғри айтдингиз. Ҳосилдан бўшаган пахта пунктлари ўша пайтнинг ўзидаёқ янги мавсумга тайёрлана бошлади. Махсус бригадалар туздик. Уларнинг таркибига тажрибали мутахассислар киритилди. Мукофотлар белгиланди. Шу сабабли созлаш ишлари олиб борилди. Бугунга қадар 9 та заводнинг ҳаммасида ускуналар таъмирдан чиқарилди. Лабораториялар ҳам ёзги мавсумга шайлаб қўйилди.

Ўзингиз биласиз, эҳтиёт қисмлар кам. Шуни ҳисобга олиб, уларнинг кўпчилигини корхоналарнинг ўзларида ва вилоятдаги тегишли цехларда таъмирладик, қайта ясадик. Пахта заводлари тайёргарлигини жамоатчилик вакиллари иштирокида махсус комиссиялар қабул қилиб олди. Ҳозирги шароитда эса завод ва қабул пунктларимиз бир кунда йиллик режанинг 5-8 фоизгача ҳосилини қабул қила олади.

— Келдиёр Тўхтаевич, баъзилар экин майдонлари камайганлиги ва бошқа айрим сабабларга таяниб, пахтанинг қадри бироз тушмадимикан деган саволга бормоқдалар.

— Йўқ, пахтанинг қадри тушмайди. Аксинча унинг қиймати ортиб бормоқда. Чунки биз ана шу хом ашё билан дунё бозорига чиқдик. Қолаверса, у мустақил республикамиз иқтисодини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари пахта фақат кийим-кечак ёки хом ашё эмас, у озиқ-овқат, қурол-аслаҳа ва умуман, турмушимиз учун энг керакли манбадир. Шу боисдан куни-кеча Президентимиз Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати Раиси В. С. Черномирдин билан бўлган учрашув чоғида пахта хом ашёси етказиб бериш юзасидан ҳам ўзаро битимга келдилар. Демак, биз ўша республикага пахта тозаловчилар 9 та завод ва улар қошидаги 49 та пахта қабул қилиш пунктларини янги мавсумга шай қилиб қўйдилар.

Суҳбатдош:
Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Мустақил мамлакатимизнинг катта «оқ олтин» хирмони учун кураш қизиган паллага кирмоқда. Жанубий вилоятларда, жумладан Ангор туманининг «Таллимарон» жамоа хўжалигининг пайкалларида шу ой ўрталаридаёқ биринчи қўл теримини бошлашга тараддуд кўрилмоқда. 2314 гектар пахтазорда ҳосил чўғи кўриниб қолди: чаноқлар лўппи-лўппи бўлиб очилмоқда. Кўп йиллик тажриба, ишнинг кўзини билиш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш туфаели жамоа аъзолари бу йил пахтадан яхшигина ҳосил олишни мўлжаллаб туришибди.

СУРАТЛАРДА: 1. Ҳосил бўлиқ пайкалларда бригада бошлиғи Эшпўлат Қурбонов ва жамоанинг бош ҳосилоти Бобоназар Чоршанбиевлар бу йилги меҳнатдан мамнун. 2. Илғор механизатор Йўлдош Шоймонов.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат (ЎзА).

Донни йиққан — донодир

ҒАЛЛАКОР ШУҲРАТ ТОПМОҚДА

Сирдарё вилояти ҳокимининг муовини, ХДП вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси, вилоят ғалла штабининг бошлиғи Собиржон УСМОНОВ билан суҳбат

— Вилоят ғаллакорларининг бу йилги ютуқларини қисқача шарҳлаб берсангиз.

— Вилоятимиз меҳнаткашлари биринчи бор давлат қабул пунктларига 175 минг тоннадан зиёд ғалла топширдилар. Бизнинг қўриқ шароитимизда ҳосилдорликнинг гектар бошига 27,1 центнерга етказилишининг узиёқ азамат деҳқонларимизнинг ўзгача шижоат кўрсатиб ишлаганликларидан далолат бериб турибди. Рости, бундай натижаларни илгари орзу қилишимиз ҳам мушкул эди. Чунки бир йилнинг ўзидаёқ ҳосилдорлик вилоят бўйича 5 центнерданга кўпайтирилди. Яқин келажакда эса натижаларимиз бундан юқори бўлиши турган гап.

— Бу йилги ўрим-йиғимнинг ўзига хос томонлари нимада бўлди?

— Республикамиз ҳукумати, шахсан Президентимизнинг ғалла мустақиллиги йўлида олиб бораётган катта саъй-ҳаракатининг аҳамияти нақадар муҳим эканлигини эндиликда ҳамма чуқур тушуниб етмоқда ва қизғин қўллаб-қувватламоқда. Бу йилги мавсумнинг ўзига хос томонлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу борада меҳнат қилган ҳар бир кишининг ана шу улкан муаммоларни чуқур тушуниб етиб, англаб, юракдан ишлаганини таъкидлаш лозим. Дарҳақиқат, бу йил республикамиз ғаллакорлари чинакамига меҳнат қилишди. Буни Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча булиб утган йиғилишида Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтди.

Вилоятимизда ўрим-йиғим мавсумида 10 мингта яқин киши иштирок этди. Шулардан мингдан ортиғи комбайнчилардир. Иш ҳажмининг гоят кенглигини ҳисобга олиб ва нобудгарчиликка барҳам бериш мақсадида биринчи бор қўл урогига катта эътибор беришга тўғри келди. Жами экин майдонининг 86 минг гектари комбайнлар ёрдамида йиғиштириб олинган бўлса, 10 минг гектар ердаги ғалла қўлда уриб олинди. Ана шу мақсадларда иш қизғин паллаларда 4—5 минг киши уроқда иштирок этди.

Иш жараёнида 167 та янги комбайн сотиб олишга тўғри келди. Шунингдек, қўшни Қозоғистон, Тожикистон ҳамда фарғоналиклар бизга ҳашарга келишди. Шундай қилиб, иш қизғин паллаларда вилоят галлазорларида 600 га яқин комбайн ишлаб турди. Шунинг учун ҳам ўрим-йиғим муддатини ўтган йилдагига нисбатан деярли бир ойгача қисқартиришга эришдик.

— Энди илғорлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Сайхуноободликлар бу йил вилоятда биринчи бўлиб маррага етиб келдилар. Бу ерда деярли 20 минг тоннадан зиёд ғалла йиғиштириб олинди. Оқолтинликлар эса бу йил ҳам ғаллачиликни ривожлантириш соҳасида уз тажрибаларини намойиш этдилар. Улар давлатга 33 минг тоннадан зиёд ғалла етказиб бердилар. Туманнинг «Фарғона», А. Тоиров, Бобур номли хўжаликлари гектар бошига 40-45 центнерга етказиб хирмон кутардилар. Келажакда бундай тажрибакорлар сафи янада кенгаяди, деган умиддамиз.

— ХДП аъзоларининг ўрим-йиғим мавсумидаги иштироклари ҳақида нималар дея оласиз?

— ХДП туман, бошланғич ташкилотлари мавсумнинг бошидан-охиригача катта сафарбарлик ишларини олиб борди. Улар ғалла етиштиришда ҳам, уриб-йиғиб олишда ҳам, далада ишлаётганларга шароитлар яратиб беришдан тортиб, омма орасида сафарбарлик ишларида алоҳида ғайрат кўрсатдилар. Боёвут туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги раиси, ХДП вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси Неъмат Умирқулов бош бўлган жамоа эса уриб-йиғимни вилоятда биринчилардан бўлиб тугатдилар ҳамда ғалла ҳосилдорлигини деярли 40 центнерданга етказди. Бу каби мисоллар оз эмас.

Партия аъзолари қаерда бўлмасинлар, кўпчилик ишига бош-қош бўлдилар. Айниқса Оқолтин, Боёвут, Сайхунобод, Сирдарё туманлари партия ташкилотларининг мавсум давомида олиб борган ишларидан мамнунмиз.

— Мавсумда муаммолар ҳам бўлгандир?

— Май ойининг бошларида ёққан кучли жала 10 минг гектар ердаги ҳосилни ерга ётқизиб кетди. Бу ҳол деҳқонларимизни анча қийнаб қўйди. Иккинчидан минг гектар кучли шўрланган ва 7 минг гектар лалмикор ерларда ҳосил яхши бўлмади. Ана шу майдонлардан кўзда тутилган 8—10 ўрнига 1,5 центрендан ғалла олдик. Агар ана шу камчиликлар бўлмаганда, бу йилги хирмонимиз янада улкан ва салмоқли буларди.

— Камчиликлардан энди тегишли хулосалар чиқарилса керак?

— Албатта. Бу йилги ютуқ ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилмоқда ва бўлғуси ҳосил учун ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Ана шундай хулосалардан бири шуки, ғаллачилик ҳам энди пахтачилик каби биринчи ўринга кўтарилди. Раҳбарларимиз, мутахассисларимиз, барча меҳнаткашларимиз онги, дунёқарашида бу борада жиддий ўзгаришлар пайдо бўлди, деб ўйлайман. Бу жуда муҳим нарсадир.

Яна бир эътиборли ҳол шуки, бу йилги шароитда биз улкан ғалла хирмони учун биринчи бор кенг ва катта куламда иш олиб бордик. Бу борада муҳим тажрибалар тўпладик. Энди уни мустаҳкамлаймиз, келгусида етиштирилган ғаллани янада тез ва сифатли уриб-йиғиб олиш чораларини белгилаймиз. Баъзи сабабларга кўра ўтган йили асосий майдонларга техник уруғ сепишга мажбур бўлган эдик. Бу йил эса барча майдонларга етадиган даражада сара уругларни ғамлаб қўйдик.

Ҳозирги кунларда барча хўжаликларда ҳосилдан тозаланган майдонларни ҳайдаш ва ўрнига такрорий экинлар экиш қизғин давом этмоқда. Айни пайтда вилоятимизнинг жами ғалла хирмонини 220 минг тоннага етказиш йўлида тинимсиз ҳаракат қиляпмиз.

Суҳбатдош:
Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ПЛЕНУМИ

Хоразм вилоят хотин-қизлар қўмитасининг пленуми бўлди. Уни вилоят ҳокими М. Жуманиёзов бошқарди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Т. Абдуллаева бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасидан озод қилинди. Урганч шаҳар ҳокими ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Д. Рузматова вилоят хотин-қизлар қумитаси раиси этиб сайланди. У лавозимига кура вилоят ҳокимининг ўринбосари ҳисобланади. Пленумда Узбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси, республика Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуломова сўзга чиқди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Маърифат

МАЪНАВИЯТ УНИВЕРСИТЕТИ


Қарши Давлат дорилфунуни ҳузурида вилоят ҳокимлигининг Маънавият ва иқтисодиёт университети ташкил этилди. Янги даргоҳ Қашқадарёдаги раҳбар ходимларга республикамизда амалга оширилаётган давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмунини чуқурроқ эгаллашда, халқимизнинг маънавий-маданий меросини ўзлаштиришда кумаклашади. Шунингдек, азалий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган хайрли ишлар билан таништириш асносида тингловчиларга маъмурий-буйруқбозлик усулидан воз кечилган ҳозирги шароитда ўз раҳбарлик фаолиятларини янада такомиллаштиришда ёрдам бериш кўзда тутилган.

— Маънавият ва иқтисодиёт университетининг ташкил этилиши воқамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта воқеадир, — дейди ўқув даргоҳи директори А. Эркаев. — Бу ерда тингловчилар ислоҳотларни амалга ошириш, маънавий-маданий меросимизни ўрганиш, меҳнат жамоаларида ишни уюштириш, бозор муносабатларини жорий қилиш ва шу куннинг бошқа долзарб масалалари буйича назарий билимларини оширадилар.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЛК БОР ТОШКЕНТДА!
Ўзбекистон бозорларида бундай сифатли молларни ҳозирча топиш қийин

ФИРМА МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Янгиобод даҳаси, Тоғлариқ кўчаси, 26.
Телефонлар: 95-56-80 - қабулхона зали,
98-47-92 - савдо зали,
98-47-95 - кўргазма зали.



АҚШ, ЯПОНИЯ, ИТАЛИЯ, ИНДОНЕЗИЯ, ТАЙВАНЬ ФИРМАЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ

Агар офисингиз кўриниши энг яхши жаҳон андозаларига мос келишини истасангиз, унда "Пойабзал ва спорт моллари" фирмасининг кўргазма залига ташриф буюринг. Биз сизнинг дидингиздаги офис мебели, канцелярия моллари, телефонлар, офис гилами, поёндози, калькуляторларни таклиф этамиз.

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ БИЗДА МУҲАЙЁ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1995 ЙИЛ 27 ИЮЛДАГИ 294-СОНЛИ ҚАРОРИГА БИНОАН "ЎЗДЕҲҚОНСАНОАТБАНК"И ЎЗ АКЦИЯДОРЛАРИГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕР-ТИЖОРАТ "ПАХТА-БАНК" ТАЪСИС МАЖЛИСИ ЎТКАЗИЛИШИ ҲАҚИДА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Мажлис 1995 йил 7 август куни соат 10^{00} да Ўзбекистон Республикаси Марказий банки биносининг катта мажлислар залида ўтказилади. Анжуман қатнашчилари Тошкент шаҳрига 1995 йил 6 август куни келишлари лозим.

Қатнашчилар 1995 йил 7 август соат 8^{30} дан 9^{45} гача Марказий банк биносида рўйхатга олинадилар.

Қўшимча маълумот учун 78-10-94, 78-11-66, 78-12-96 телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин.

Таъсис мажлисининг кун тартиби:
1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 27 июлдаги 294-сонли қарорига биноан "Ўздеҳқонсаноатбанк" акционерлик-тижорат банки негизида ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат "Пахта-банк"ни ташкил этиш ҳамда "Ўздеҳқонсаноатбанк"ининг 1995 йил ярим йиллик иш якунлари тўғрисида ҳисобот.
2) Тафтиш комиссиясининг 1995 йил ярим йиллик ҳисоботи.
3) Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат "Пахта-банк" Низомининг лойиҳаси тўғрисида.
4) Банк Кенгашининг таркиби тўғрисида.
5) Тафтиш комиссиясининг таркиби ҳақида.

"ЎЗДЕҲҚОНСАНОАТБАНК" бошқаруви.

Қадрли таъсисчи ва акциядорлар!
Анжуманни тайёрлаш ва ўтказишда Сиз фаол иштирок этасиз деган умиддамиз.
Йиғилиш кун тартиби ҳақида таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилгоҳга йўллашингизни сўраймиз:
700096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй. "Ўздеҳқонсаноатбанк".



ЭНГ КАТТА МАЧИТ

Туркманистон пойтахти Ашгабат шаҳри яқинида янги мачит қурилиши якунланмоқда. У яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Шуниси диққатга сазоворки, бу мачит собиқ Совет Иттифоқи тарқалиб кетгандан кейин Марказий Осиёда қурилган энг катта мачитдир. Унинг миноралари 60 метрли баландликка кутарилган. Бу ерда бир йула 4 минг киши номоз уқиши мумкин. Бу мачит мамлакат Президенти Сапармурод Ниёзов номи билан аталади, деган фикрлар бор. Чет эллик банк ходимларининг айтишига қараганда, бу иншоотнинг нархи 35 миллион АҚШ доллари, деб баҳоланмоқда.

ОСМОНДАН ТУШДИМИ ЁКИ ЕРДАН ЧИҚДИМИ?

Қозоғистоннинг узоқ чўлларидан бирида, Жезқозғон — Қизилўрда автотрассасида яқинда 14 та юк автомобили ва иккита кран ушлаб қолинди. Бу техника воситаларида 36 киши 53 минг 650 килограмм рангли металлар чиқиндисини олиб кетаётган экан. Бу юклар тўғридан тўғри маънода осмондан тушгандек. Ёки бошқача қилиб айтганда, улар космик ракеталарининг зиналаридир. Бу металлар Бойқўнғир космодроми майдонларидан ўғирланганлиги аниқланди. Шуниси қизиқки, бундан бир неча ойлар аввал 25 тонна «космик металл» ортган 6 та автомашина ушлаб қолинган эди.

ҚЎШМА КОРХОНА

Ленинобод вилоятининг Хўжанд шаҳрида йилига 10 минг 500 тонна пахта толасини қайта ишлайдиган Тожикистон-Корея ип-йигирув қўшма корхонаси қурилмоқда. Корхона ишга тушгач, минг нафар киши иш билан таъминланади. Жанубий кореялик 30 нафар мутахассис дастлаб бу ишда бош-қош булади. Корхона маҳсулотларини Осиё ва Европа мамлакатларига сотиш режалаштирилмоқда.

АМЕРИКАЛИК МЕҲМОНЛАР

АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги раҳбари Томас Дайн бошчилигида Америка делегацияси Тожикистонда бўлди. Агентликнинг нуфузли делегацияси Тожикистон ҳукумати ва мухолифат вакиллари билан АҚШнинг Тожикистонга иқтисодий ёрдам дастурини муҳокама этди. Шунингдек, улар «Релеф интернейшнл», «Сейвзе чилдрен», «Оғахон» жамғармаси ва ташкилотларининг Тожикистондаги Хатлон вилоятига ёрдам кўрсатиш бўйича лойиҳаларини ҳам кўриб чиқди.

БОЙЛИК ҚАЙТАРИЛДИ

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ҳукуматнинг навбатдаги мажлисида 1995 йилнинг биринчи ярмида мамлакат ҳудудидан 3,5 минг тонна пахта толаси контрабанда йули билан олиб чиқиб кетилганини маълум қилди. Олиб кетилаётган 2 минг тонна пахта республика чегарасида тухтатиб қолинди. Қимматли экспорт хом ашёсининг бир ярим минг тоннаси эса Тожикистон божхона ходимларининг Россия, Узбекистон ва Турманистондаги ҳамкасблари билан ҳамкорлиги туфайли республикага қайтарилди.

МАШҚЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН

Қирғизистонлик ҳарбий хизматчилар взводи ва зобитлар гуруҳи 6-28 августда АҚШ ҳудудида ўтадиган НАТО машқларида иштирок этади. Республика мудофаа вазирлиги матбуот хизмати хабарига қараганда, Қирғизистон бўлинмаларининг НАТО машқларида иштирок этиши яқинда Брюсселда ўтган музокаралар чоғида муҳокама қилинган. Республика ҳарбий маҳкамаси раҳбарияти Қирғизистон бўлинмаларининг НАТО қўшинлари билан бевосита мулоқотини кенгайтириш давр талаби деб ҳисобламоқда.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Супянбек ШЕРИПОВ:

«ЭНГ ДАҲШАТЛИ ВОҚЕА ҲАЛИ СОДИР БЎЛГАНИ ЙЎҚ...»

ЧЕЧЕНЛАР БИЛАН КЕЛИШИШ УЧУН, АВВАЛО, УЛАРНИ АНГЛАШ КЕРАК

«Шарқ — нозик масала...» сиёсатчиларимизга ҳақиқий Шарқ тўғрисида мана шу сийқаси чиққан иборадан бошқа нарса таниш эмасга ўхшайди. Акс ҳолда, Чеченистонда, Кавказда, Ўрта Осиёда бўлиб ўтган, ҳозир ҳам бўлаётган ва чамаси ҳали узоқ давом этадиган воқеаларни қандай изоҳлаш мумкин? Ахир, гап ўз қонуни, ўз ақидаси, ҳаёт ва инсонга ўз муносабати бўлган алоҳида олам тўғрисида бормоқда. У ерда ҳамиша ҳам кўзга ташланавермайдиган одамлар кўпчиликка нуфузли бўлади ва уларнинг гапи кўпчиликка ўтади. Бу олам билан тинч яшаш учун, бу одамлар бизга нақадар кутилмаган ва ғайриоддий туюлмасин, уларни тушуниш ва гапларини тинглай олиш лозим...

Афғонлар уни Зулия, ҳиндлар эса Гуру дейишади. У билан учрашиш учун энг юксак лавозимларда турган кишилар: хорижий давлатлар элчиларидан тортиб КПСС Марказий Қўмитаси котибларигача Грознийга келишган. Банкир ва тадбиркорлар у билан маслаҳатлашиш учун атайлаб келиб туришган.

У ҳалокатдан сақлаб қолган кишиларнинг ҳаммасининг номини санаб ўтиш қийин. У доимий ҳомийлик қиладиган кишилар юзлаб саналади. Ўнлаб оилаларда у болаларга ота ўрнини босган.

У таниқли сиёсий арбобларнинг тақдирига ҳам таъсир қилган. Вячеслав Молотов умрининг сўнгги йилларида учрашмоқчи бўлган ягона инсон ҳам мана шу киши бўлган.

Бу инсоннинг исми Супянбек Шерипов.

У ҳеч қачон ўзини кўз-кўз қилмаган, юксак лавозимларни эгалламаган. Узоқ йиллар давомида у ўзини четга олиб юрган. Аммо ҳозир, Чеченистон Россиянинг қонталаш жароҳатига айланган пайтда унинг гапини эшитса арзийди.

Бу — кўпчиликнинг назарида, бошқалардан яширин воқеаларни кўра оладиган Супянбек Шерипов билан биринчи суҳбатдир.

— Совет Иттифоқи парчаланиб кетаётганини сиз қачон англагансиз?

— Бу жараённи икки воқеа айниқса тезлаштириб юборди. Улардан бири — Борис Ельциннинг «қизиллар армияси»га, яъни КПССдан сайланган СССР Олий Кенгаши депутатлари қаторига киритилмагани, иккинчиси — Гдлян билан Ивановнинг матбуот ва телевидение орқали чиқишлари бўлди. Улар афкор оммага жуда кучли таъсир ўтказган эди.

— Билишимча, Гдлян билан Иванов матбуот орқали ўз фикрини айтишдан олдин маслаҳат сўраб сизга мурожаат қилишган...

— Гдлян билан Иванов ҳузуримга келган тун ёдимда. Ўшанда ошкора ва узоқ суҳбат бўлганди. Суҳбат охирида улар Ўзбекистондаги олий партиявий шахсларнинг гаплари ёзилган видеокассетани кўришни таклиф қилишди. Мен уларга: «Мен ишора қилмагунимча кассетани ҳеч кимга кўрсатманглар», дедим. Ўзим эса, Москвага учиб кетдим.

— Гдлян ва Иванов билан учрашув сизда қандай таассурот қолдирди?

— Улар мен билан рўй-рост гаплашишди. Уларнинг хизмати шундаки, «ўзбеклар иши»ни текширишнинг турли вариантларидан ўзлари учун энг қийин йўлни — Марказий Қўмитада ўтирган порахўрларнинг номини айтишни танлаб олишди. Ҳуқуқшунос мутахассис нуқтаи назаридан олиб қараганда, бу — энг тўғри йўл, лекин сиёсий жиҳатдан...Бу йўл нималарга олиб боради?

Москвада шуни ўйладим. Гдлян билан Иванов эса, бу пайтда «Огонёк» журналида «Қарама-қарши туриш» деган машҳур мақолани эълон қилган эди.

— Уларни Марказий Қўмитанинг бирор котиби билан учраштира олармидингиз?

— Учраштира олардим. Лекин бундай учрашувдан бирон-бир иш чиқмасди. Ҳамма нарса Горбачёвга боғлиқ эди. Горбачёв билан учрашишга фақат КПСС Чечен-ингуш вилоят собиқ биринчи котиби А. В. Власовгина ёрдам бера оларди. Власов ўша вақтда РСФСР Вазирлар Кенгашининг Раиси эди. Мен унга мурожаат қила олмасдим. Чунки, орамиз бузилиб қолган эди. Аммо, мен ва мен билан бирга бўлган кишиларнинг вазифаларидан бири — Власовни СССРдаги иккинчи шахсга айлантириш эди. Ана ўшанда Горбачёв ўз лавозимида тағин ҳам мустаҳкам ўрнашган бўларди.

— Супянбек, айтинг-чи, сиз Рашидов, Медунов ва Власовни нима учун бир-бирига яқинлаштиришни хоҳлаган эдингиз?

— Бу ишларнинг ҳаммаси Власов учун, унинг сиёсий лавозимга кўтарилишига ёрдам бериш учун қилинган эди. Бундан 15 йил муқаддам, вилоят қўмиталарининг биринчи котиблари ўз хотинлари олдида партияга қарши бир оғиз сўз айтишдан қўрққан бир пайтда Власов ҳаммага эшиттириб: «Агар мен ҳеч нарсага эриша олмасам, ҳаётимизда бирор нарсани ўзгартира олмасам, мансабимни ташлаб, дўконда газета сотганим яхшироқ», деган эди.

— Вилоят биринчи котиблари хусусида Грознийнинг омади бор экан-да?

— Йўқ. Шунчаки, Власов бошқача одам эди. Афсуски, ҳозир у раҳбарлар орасида эмас. Акс ҳолда, у чеченларни албатта ҳимоя қилган бўларди, бир вақтлар у Марказий Қўмита котибиятида чеченларни дадил ҳимоя қилган. Власов бўлганида эди, рус оналари Грознийдаги вайроналар орасидан фарзандларини қидирмаган бўларди. Власов даврида қурилган чечен мачитларида «Чеченистон Россиянинг маккорлиги ва Кремлнинг пасткашлигини минглаб йиллар давомида унутмайди!», деган сўзлар янграмаган бўларди.

— Сизнингча, Россияни нима кутмоқда?

— Россияда ҳақиқат йўқолган давр давом этмоқда. Келгусида ҳалқаро майдонда ҳеч нарса Россияга боғлиқ бўлмайди. Сўнгги йилларда кўп нарса бой бериб қўйилди. Ҳеч бўлмаганда БМТни олиб кўрайлик. БМТ модели Ғарб билан Шарқ бир-бирига қарама-қарши бўлган даврда яратилган эди. Россия БМТнинг тутган ўрни ва мақомини ўзгартириши шарт эди. Сўнгги йилларда БМТ АҚШнинг БМТ ўрнини босиш имкониятларини истисно этадиган тарзда ўзгартирилиши лозим эди. Жаҳон ҳамжамиятининг кўпчилик овозида эндиликда Россиянинг ёлғиз овози кучлироқ эшитилишига эришмоқ керак. Шундай қилинса, Россия давлатининг чегаралари ишончлироқ ҳимоя қилинади. Ҳозирча эса, Ғарб Россия билан картада преференс ўйнаётган бўлса, Россия Ғарб билан «аҳмоқ» ўйинини ўйнамоқда... Россия учун барча россияликларни бирлаштирадиган йўлни ўйлаб топиш қийин. Унга чинакам етакчи керак.

— Шундай етакчи борми?

— Ҳа, бор.

— Унинг номини айта оласизми?

— Йўқ. Ҳали вақт эрта. Аввало, Горбачёв даври ниҳоясига етиши керак... Дарвоқе, бу ҳодисанинг тезда содир бўлишига ишончим комил! Депутат сиёсий дахлсизлик мақомига эга бўлиши лозим. У ҳеч қандай блок ва фракцияларга қўшилмаслиги керак. Диндорлар билан худо ўртасида воситачи бўлмаганидек, депутатлар билан сайловчилар ўртасида ҳам воситачилар бўлмаслиги зарур. Бу — Россия учун жуда муҳим масала.

— Ҳозирги пайтда ҳақиқий раҳбар тўғрисидаги тасаввурларингизга мос келадиган одам борми?

— Бор. У — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов!

СССР парчаланиб кетганидан сўнг энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин, бундай бўлмади. Каримов биррорта хатога ҳам йўл қўймади. Истиқболни кўзлаб қилинаётган ишлар XXI аср Ўзбекистон гуллаб-яшнайдиган аср бўлади, дейишга ҳуқуқ беради.

— Бунга Каримовнинг қандай фазилатлари туфайли эришилди?

— Ўзбеклар — руҳият жиҳатидан бутунлай бошқача одамлар. Ўз шаъни учун инсон жонини қурбон қиладиган қийин пайтларда уларга тенг келадигани йўқ. Гдлян билан Иванов қамоққа олишга келганда хонадон эгаси хотиржам кийиниб, ўзини ўзи ўлдириш учун кечирим сўраб бошқа хонага чиқиб кетганида улар ҳайратда қолишган. Ҳатто чеченлар ҳам ўзбекларнинг ажалнинг кўзига мардлик ва совуққонлик билан қарай олишига ҳавас қилиши мумкин. Шу сабабли, бундай халқни ўз муаммоларини митингда ҳал қиладиган оғир шароитга фақат игвогарлар ёки ўзбекларнинг дўппи кийиб юришинигина биладиган кишиларгина шундай шароитга солиб қўйиши мумкин. Каримовнинг митингларни тақиқлаб қўйиши қирғизлар, тожиклар билан ўзаро муносабатлардаги мураккаб вазифаларни ҳал этиш каби жуда тўғри иш эди. Унинг колхоз ва совхозлар раҳбарларини сайлаш эмас, балки тайинлаш тўғрисидаги таклифи ҳам ўринли эди. Агар шундай қилинмаганида оқибат қандай бўлишини билиш қийин эди. Каримов мусулмон мамлакатлари билан муносабатларни заргарларга хос нозиклик билан йўлга қўйди. Мусулмон оламининг ўзга маърифатга қарама-қарши турши келажакнинг манзарасини белгилаб беришини ўта сезгирлик билан аниқлади, уларнинг тўқнашувини истисно этадиган заминни яратди. Буларнинг ҳаммаси Ислом Каримовнинг улуғлигини белгилайдиган сифатлардир.

— Сиз Каримовга у билмайдиган нарсани айта оласизми?

— Бу қийин иш. Лекин, уриниб кўраман. Ҳар бир мамлакатда ўз давлат сири бўлади. Бу сирнинг очилиши миллий хавфсизликка зарар етказиши мумкин. Менинг назаримда, ўзбекларнинг ўзаро муносабатларини давлат сири қаторига қўйиш мумкин. Акс ҳолда, Москвада қандай ўзбеклар (афғонлар, чеченлар — дидга қараб, бунинг вариантлари бўлиши мумкин) яхши-ю, қайсилари ёмон ва кимларга қарши танкларни юбориш керак, деб тезда аниқлайдиган одамлар топилади. Мухолифатга келганда шуни айтиш лозимки, Муҳаммад пайғамбарнинг ҳам мухолифлари бўлган. Аллоҳга шукурки, улар ғалаба қозонмаган.

— Чеченистондаги воқеаларни қандай баҳолайсиз?

— Чеченистонга тинчлик ўрнатиш учун келган кишиларга бир сирни айтмоқчиман. Вулқон — агар отилиб турсагина вулқон бўлади. Агар отилмаса, у вулқон эмас, оддийгина тоғга айланади, унда чанғи учиш мумкин бўлади. Чечен эса қасос олаётган пайтда ўзини чечен деб ҳис этади. Чеченларга тегинмаслик керак эди.

— Чечен урушига қадар сиз билан мулоқот қилган кишиларнинг ҳаммасига эркинлик ва истиқлол йўли турлича тушунчалар, Чеченистон эркинлик йўлини танлаб олиши керак, дер эдингиз.

— Бу гаплар вулқон отилгунига қадар айтилган эди.

— Ҳозир нима дейсиз?

— Мен ҳозир ҳам бизнинг тарихий йўлимиз — эркинликка борадиган йўл, деб ҳисоблайман. Бироқ, Россия танклари бизни бошқа йўлга — истиқлол йўлига туртиб юборди. Бунинг маъноси шуки, Россия қўшинлари Чеченистонда турар экан, бу ерда тинчлик бўлмайди, чамаси узоқ йиллар давомида тинчлик бўлмайди.

— Нима учун?

— Чунки, бу урушни бошлаган кишилар ва ҳозир уни тугаллашга уринаётганлар бизнинг кимлигимизни билишни хоҳлашмайди. Москванинг иродаси билан биз Қозоғистонга кўчирилдик. Ўшанда мен тўрт яшар эдим. Ота-онам билан Чимкент вилоятидаги Лангар қишлоғига тушганмиз. Бир воқеа ёдимда қолган.

Бир чечен ўз оиласини очликдан қутқариш учун ўн дона бошоқ ёки товуқми — нималиги ёдимда йўқ — ўғирлаган эди, уни ушлаб олиб, отга боғлашди ва отни чоптириб кетишди.

Чеченнинг қотилига ҳеч ким теккани йўқ. Ҳолбуки, ундан қасос олиш қийин эмас эди. Ҳалок бўлган чеченнинг ўғли камолга етишини кутишарди. Йигит 16 ёшга тўлган куни унинг қўлига қурол тутқазиб: «Ана у — отангнинг қотили. Ўз бурчингни бажар. Биз ҳам қасос олишимиз мумкин эди, лекин меросни сенинг ўзингга асраб қўйдик», дейишди. У ўз бурчини бажарди. Ҳеч ким — на туққан онаси, на Оллоҳ Таоло чеченни қасос олиш ҳуқуқидан маҳрум эта олмайди. Биздан бу ҳуқуқдан воз кечишни талаб қилишнинг фойдаси йўқ.

— Ундай бўлса, ҳозир Чеченистонда юз берган аҳвол ўнглаб бўлмайдиган аҳвол экан-да?

— Йўқ, ундай эмас. Сиз буни тушуниб олишингиз учун яна бир воқеани гапириб бераман. Бу воқеа чеченлар олтмишинчи йилларнинг бошларида ватанига қайтиб келганидан сўнг юз берган. Хунталаблар ярашадиган кунда (Чеченистонда шунақаси ҳам бўлади) тоғ қишлоқларидан бирида одатдагидек жуда кўп одам тўпланди. Майдон марказида ранги ўчган, соч-соқоли ўсиб кетган (урф-одатга кўра, у одамлар орасида пайдо бўлишга ҳақли эмас) қотил, унинг қаршисида ўлдирилган кишининг балоғатга етган ўғли турар эди.

Бундай ҳолларда бўлгани каби, кўпчилик ўлдирилган кишининг ўғлига мурожаат қилиб: «Мана бу — отангнинг қотили. Сен энди балоғатга етдинг ва қасос олишинг мумкин. Лекин, орамизда тинчлик бўлиши учун, яна бир оиладаги болалар етим қолмаслиги учун уни кечир, ҳозир сен уни ўлдирсанг, сенга ҳеч ким таъна қилмаса ҳам, кечир», деди.

Охирида йигитнинг ўзи гапирди. У қотилга қараб бундай деди: «Сен мени отамдан жудо қилдинг. Мен сенинг болаларингга ҳавас қилиб ўсдим. Бугун бу ерга тўпланган одамлар мени тарбиялашди. Мен отамдан қандай қарздор бўлсам, шу кишилардан ҳам шундай қарздорман. Шунинг учун уларнинг иltимосини бажармай туролмайман. Мен сени кечирдим. Бундан буён сенга худди ўз отамдек муносабатда бўламан, деб сўз бераман».

Чечен ярашиш вақтида берган сўзини бузган ҳол бўлган эмас. Биз билан муомала қилса бўлади. Чеченлар ишончли халқ. Лекин, халқни қиришни давом эттираётган ва айни пайтда бизни ўзимизни ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган қонунни ўйлаб чиқарган кишиларга бу қоидани жорий қилиб бўлмайди.

— Қотиллик қилган одамлар сизга мурожаат қилишини биламан...

— Улар — оддий қотиллар эмас, рашк туфайли хун талаб қилиб, одам ўлдирган кишилардир. Яқинда ҳузуримга рашк қилиб хотинини ўлдирмоқчи бўлган киши келди. Онаси қўйнида ётган қизалоғи ҳалақит бериб, онасини сақлаб қолган экан. У ниятидан қайтиши учун мен юрагига етиб борадиган тўғри сўзларни топишга ҳаракат қилдим.

Бошқа бир воқеа. Ҳузуримга катта ёшдаги киши келиб, юрагини ёрди. У ўзини хафа қилган одамдан қасд олмоқчи экан. Қарасам, шашти баланд. Бундай одамларни шаштидан қайтариш жуда қийин... Бутун тун суҳбат билан ўтди. Тонгга яқин, тун кун билан алмашиши билан инсон руҳий ҳолати ҳам ўзгарадиган пайтда мен унга бир гапни айтдим. Суҳбатимиз чоғида миямга келган ягона бир фикрни айтдим. У фикримга қўшилиб, қасос олиш муддатини кечиктирди... Кейин хунрезликка йўл қўймаслиги учун етарли вақтга эга бўлдим.

— Бу осон иш бўлмаса керак?

— Албатта осон эмас. Лекин ҳаётдан ихтиёрий равишда кўз юмишга аҳд қилган кишилар билан видолашиш мен учун жуда оғир. Одатда ундай одамлар жуда ақлли ва олижаноб кишилар бўлади.

— Менга сизни бошқалар назаридан яширин нарсаларни ҳам кўра олади, деб таърифлашган эди. Айтингчи, динга ишонишга ҳаракат қилаётган одамларга нима дея оласиз?

— Эҳромдан чиққан одамгина эҳромнинг йўлини топа олади. Агар менинг оилам яшаётган уй мен учун эҳром бўлмаса, на черков, на масжид мен учун эҳром бўла олади.

— Агар сизга дунёни ўзгартириш имконияти берилса, ишни нимадан бошлаган бўлардингиз?

— Одамларнинг орқасидан ёмонлашни, уларни табиат томонидан берилган ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишни тақиқлаган бўлардим.

— Келажакни қандай барпо қилиш мумкин?

— Келажакни барпо этиш инсоннинг ихтиёрида эмас. Келажак ўтмишга тааллуқли, ўтмиш эса — инсонники. Инсон ҳозирги даврга, ҳозирги давр эса, коинотга қарашли. Коинот — чексиз. Чексизлик вақтга қарашлидир. Вақт эса, ҳеч кимга бўйсунмайди.

Кимки бу сўзларнинг мағзини чақа олса, у ўз вазифасини англай олади... Мен эса, бурчимни охиригача бажариш учун тоққа қайтаман.

Андрей МИХАЙЛОВ,
Кизляр шаҳри.
(«Век» газетасининг 1995 йил 21—27 июль сонидан).

"МУСТАҚИЛЛИК"
ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАКИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.



Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоат-чи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
МАРКАЗИЙ БАНК
ЖАМҒАРМА БАНКИ
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКСАВДО
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

Хайрли ишлар

БЕКАТ ЎРНИДА МУЗЕЙ

• АНДИЖОН (мухбиримиздан). Жалолқудуқ тумани ҳокимлигининг ҳаракати билан шоҳбекат бинои таъмирланиб, ўлкашунослик музейига айлантирилди.

Бундай хайрли ишни рўёбга чиқаришда туман механизациялашган кўчма жамланмаси бунёдкорлари наққош ва мўйқалам усталари ғайрат кўрсатдилар. Музейдан ўтмиш маданияти, истиқлол самаралари ва шу кун турмушига доир экспонатлар ўрин олди. Машҳур кишилар ҳақидаги нодир ҳужжатлар тўпланди. Музейни жиҳозлашда вилоят ўлкашунослик музейининг Озодбек Тўхтабоев, Виктор Мирошников, Турсунхўжа Ҳошимов, Одилжон Алихонов каби мутахассислари кўмаклашдилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ТАШКИЛОТ

Пахта, пахта толаси, пахта калавасини

СОТИБ ОЛАДИ

Пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга:

— Германия ва Австрияда ишлаб чиқарилган музлатгич пештахталари;

— озиқ-овқат, гўштли консерва, 100 фоизли мевали шарбат, қандолат ҳамда вино-арақ маҳсулотларини



СОТАДИ

Маълумот учун телефонлар: 45-70-65, 45-55-65.

"JUR BEK"

"ЖЎРАБЕК" ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ ЧОРЛАЙДИ!

Бугунги кунда аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида *"Жўрабек"* хусусий дорихонаси жаҳондаги кўплаб фармацевтика саноати корхоналари, фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, Англиянинг *"Стерлинг Хелс"* фирмасидан харид қилинган оғриқ қолдирувчи ва иситма туширувчи *"Панадол"* дорисининг саккиздан ортиқ тури чақалоқдан тортиб то кекса беморларгача даволашда бебаҳо малҳам бўлмоқда.

Panadol Tablets

ХУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР!

Дори-дармонлар танқис бўлиб турган бугунги кунда Сиз учун фақат "Жўрабек" хусусий дорихонасигина дунёнинг исталган бурчагидан дардингизга малҳам бўладиган зарур дори-дармонларни топиб, етказиб бера олади!

ДОРИХОНАМИЗ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "Бешёғоч" маҳалласи, Олмазор кўчаси, 165-уй.
Телефон: 45-60-40, факс: 45-41-46.

Адолат ва ҳақиқат биз қураётган ҳуқуқий демократик давлатимизнинг негизидир. Шундай экан, демократик одил жамият сари дадил одимлашимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишлари бош мезон ҳисобланади. Чироқчи тумани прокурори Бахтиёр Ҳасанов билан қилган суҳбатимиз шу хусусда бўлди.



Юзма-юз

«КАМ ИШ ҚИЛАЁТГАНДАЙ БЎЛАВЕРАМАН»

— Жамиятда қонун ҳимоячиси бажарадиган юмуш миллат ва давлат йўлида ижро этилиши лозим бўлган барча масъулиятдан устун туриши табиий. Сиз ўн олти йилдан бери прокурорлик, яъни қонун назорати, инсон ҳуқуқларини кафолатлайдиган идорада ишлаш билан бирга шу соҳада илмий изланишлар ҳам олиб боряпсиз. Етарли тажрибангиз бор. Шахсан ўзингиз бу — қонуншунослик масъулиятига қандай қарайсиз?

— Тўғриси, ҳуқуқшунослик соҳасига кириш учун ариза бераётганда бу масъулиятни илк бора ҳис қилганман. Прокурор қасамёдини айта туриб, янада чуқурроқ англадим.. Юқори ташкилотга ҳисоб беришку шарт. Ҳар кунги иш фаолиятим якунида ўз-ўзимга ҳисоб беришни ўргандим. Мустақил республикамиз қонунларининг жорий этилиши ва уни дунёдан олиши Узбекистон фуқароси ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шарафи биз учун нақадар муқаддас. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқидаги қуйидаги гаплар биз қонун назоратчиларининг фаолиятига дастуриламал бўлади: «Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи керак».

— Энди қонунларнинг устиворлигини таъминлашда туман прокуратурасида қилинаётган ишларга тўхталсангиз.

— Йилнинг дастлабки ҳафтасиданоқ аҳоли яшайдиган ва меҳнат қиладиган жойларда фуқаролар билан юзма-юз учрашувлар ўтказгандик. Натижа кутилгандан зиёда бўлди. Фуқаролар олиб бораётган ишларимизга катта қизиқиш билдириб, туманда қонунчиликни мустаҳкамлашга ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар. Шунингдек, 1995 йилнинг турт ойи мобайнида утган йилнинг шу вақтига нисбатан жиноятларнинг умумий сони 45 тадан 41 тага, фуқаролар даҳлсизлигига қарши қаратилган жиноятлар 12 тадан 3 тага, қасддан одам ўлдириш биттага, гиёҳвандлик биттага, автоавария биттага камайганлиги қайд этилди. Шунингдек, туман прокуратураси умумий назорат тартибида 18 та текшириш ўтказиб, 7 та жиноят иши қузғатди. 15 та тақдимнома киритди. Жавобгар шахслардан 110 минг сўм ундириб олиш ҳақида даъво ариза киритилди. 37 минг сўм ихтиёрий равишда ундириб олинди.

— Сизни Қарши шаҳар прокурори бўлиб ишлаганингизда прокуратура янги биносини лойиҳалаш ва уни қуришда шахсан жонбозлик қилганингизни айтишди...

— Очиғи, мустақил юртимиз қонунлари каби уларни ҳимоя қилувчи идоралар «Адолат қўрғонлари» ҳам муҳташам ва салобатли бўлишини жуда хоҳлайман. Ахир Темур бобомиз бежизга Оқсарой деворига «Куч-қудратимизга шубҳа қилганлар қурган иморатларимизни кўришсин» деб ёздирмаган. Қарши шаҳар прокуратураси биноси лойиҳачиларининг танловлари асосида бунёд этилган. Чироқчида ҳам шундай шароит яратишга ҳаракат қиляпмиз. Очиғи, ишлаган жойимда фойдали янгиликка учлик, дарахт экиш, боғ-роғлар яратишга, ободончилик ишига қизиқиш табиатимда бор. Сизу биздан кейин авлодларимиз Ватанни обод кўришини тасаввур қилсам, бажараётган ишларим оздай туюлаверади...

Гози РАҲМОН суҳбатлашди.

Миллатимиз бўй-басти

КЎНГИЛНИНГ НУРЛИ ЧИРОҒИ

XVII асрнинг 30-йилларида туғилиб, салкам бир аср умр кўрган, замондошлари «оловқалб адиб» деб таърифлаган Хожа Самандар Муҳаммад Бақо Термизийнинг «Дастур-ул-мулук» («Подшоларга қўлланма») асари дунё юзини кўрганига 300 йил тўлди. Адиб ўз асарининг хотимасида бундай васият қилган эди: «Илтимосим шуки, агар «Дастур-ул-мулук» ўзининг гўзал, дилбар мазмуни билан ҳамманинг назарида жилва қила олса ва бунинг шоҳиди бўлган одам бутун жону дили билан уни кўришга ва ўқишга ҳавас қилса, асар муаллифини «фотиҳа» сурасини ўқиб, ёд этинглар...»

Шу сана боис, биз қуйида Ҳожанинг асл Ватани, авлодлари ва ҳанузгача ўзбек адабиётшунослигида ўрганилмаган «Дастур-ул-мулук» асари билан муштарийларни ошно қилишни лозим топдик. Адиб мазкур асарда ўзининг Насафда истиқомат қилаётганлигини ёзганлиги боис Малеҳо Самарқандий «Музаккирул-асҳаб» тазкирасида уни насафлик дейди.

«Дастур-ул-мулук» асарини форс-тожик тилидан рус тилига таржима қилган ва адиб ҳақида биринчи бўлиб диққатга лойиқ фикрларни баён этган М. А. Салоҳиддинова аввал Хожанинг термизлик эканлиги ҳақида мулоҳаза юритади, кейин адибнинг замондоши, шоир Маҳжур Тошкандийнинг «Мен бу шаҳарни муборак раислик вазифасида ишлаётган Муҳаммад Хонақоҳийга ёздим» деган жумласига таяниб, адибни Ҳисори Шодмон (Тожикистон Республикаси ҳудуди)нинг Хонақоҳ қишлоғидан бўлса керак деган мужмалроқ фикрни ёзади. Шу боис 1990 йилда Ҳожанинг «Дастур-ул-мулук» асарини нашрга тайёрлаган С. Ҳалимов ҳам «Намунаҳои насри форсу тожик» (учинчи жилд) номли китобида «Ҳожа Самандарнинг асл Ватани Ҳисори Шодмоннинг Хонақоҳ қишлоғидир, у ёшлик йилларини шу қишлоқда ўтказган», деган ғалати фикрни такрорлайди.

Самандар Термизий ҳам Ҳаким Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари башарий сифатлардан ўзини тийиб, худо сифатларига, маърифатга, тариқат машойихларига эришмоқ учун кўп йиллар дарвеш сифатида хонақоҳларни ўзига ватан қилган. У Термизда ҳамда Насафда дин раиси бўлиб ишлаган. Ҳатто умрининг сўнгги йилларини ҳам Қоптўқай қишлоғида ўзи қурдирган Ҳонақоҳда тиловат қилиш билан ўтказган. Шу боис уни «Муҳаммад Ҳонақоҳий» деб атаган бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмас.

1994 йилда Хожанинг асл ватани Термиз эканлигини маълум этувчи яна бир саҳифа очилди. «Дастур-ул-мулук» асари форс-тожик тилидан илк бор ўзбек тилига таржима қилиниб «Сурхон тонги» газетасида эълон қилингач, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Омон Жамолов келиб таржимани ўқиб мамнун бўлганлигини, ўзини Хожанинг еттинчи авлоди эканлигини айтиб, бобокалони ҳақида ёзган хатини қолдириб кетди. Хатда Хожа термизлик Саидларнинг авлодидан эканлиги, XVII асрнинг 30-йилларида Термизда туғилиб, дастлабки маълумотни шу шаҳарда олганлиги, кейин таҳсилни Бухорода давом эттирганлиги, дарвеш сифатида кўплаб юртларни кезганлиги, яна Бухорога қайтиб, Абдулазизхон, Субҳонқулихонларнинг эътиборини қозонган жангчи, элчи, адиб, олим бўлганлиги, Насафда дин раиси вазифасида ишлаганлиги, Убайдуллахон даврида Бухорода, Насафда ва Термизда ҳам нотинчликнинг бошланганлиги боис Хожа ўша пайтда бир қадар тинчроқ бўлган Ҳисори Шодмон (Тожикистон Республикаси)нинг Хонақоҳ қишлоғига кўчиб бориб, маълум муддат шу қишлоқда яшагани, аммо Ҳисор беги билан келишолмай, Сурхон воҳасига йўл олганлиги, Қумқўрғон туманининг Қоптўқай қишлоғига қўнгани, Жалоир ва Қоптўқай қишлоқларида деҳончилик қилгани, Ҳонақоҳ қурдиргани, шу қишлоқларда муқим бўлиб, XVIII асрнинг 30-йилларида вафот этгани, Қоптўқай қишлоғида дафн қилинганлиги, адибнинг қабри ҳозир ҳам Қоптўқай қишлоғининг бош мозори эканлиги ҳикоя қилинади.

Биз Қоптўқай қишлоғига бориб, адибнинг мозорини зиёрат қилдик. Омон Жамоловнинг фикрларини ойдинлаштириш мақсадида Хожанинг 6-7 авлодларидан бўлган мулла Аҳмад ҳожи, Ҳошимхон Камолов ва Аҳмаджон Қаюмовлар билан суҳбатлашдик. Суҳбат жараёнида Хожанинг, Пошшахўжа, Пошшооймхожа, Узбекхожа, Абдукаримхожа исмли тўртта ўғли бўлганлиги, уларнинг шажараси аниқланди. Айниқса, Ҳошимхон ва мулла Аҳмад хожининг суҳбатлари бизда катта таассурот қолдирди. Уларнинг гувоҳлик беришича, 1937 йилда Хожа авлодларидан 13 киши қамоққа олинган. Иккитаси отиб ўлдирилган. Фақат мулла Абдухолиқ қочиб, узоқ вақт яшириниб юрган ва 1979 йилда вафот этган. Хожанинг тўртинчи—кенжа ўғли шажарасидан бўлган Мирзабоқихожа 1935 йилда Афғонистонга ўтади, 1938 йилда Оллоҳ унга Абдуллахон деган ўғил насиб этади. 1979 йилда Афғонистонда нотинчлик бошлангач, Абдуллахон ўзининг кекса отаси билан бирга Покистонга ўтади ва 6 йил бир олим қўлида таълим олади. 1985 йилда Покистон ҳукумати томонидан Маккаю Мунавварадаги Покистонга қарашли масжидга имом-мутавали этиб тайинланади. У ҳозир 57 ёшда. Абдуллахон 1990 йилда ҳажга борган амакиси мулла Аҳмад ҳожини уйида бир неча кун меҳмон қилиб, ўзининг саргузашти ва отаси ўлими олдида: «Қишлоғинг Қоптўқай, катта бозоринг Кокайди, бобокалонининг Хожа Самандар Термизий, авлодларимиз Султон Саодат (Ҳасан Али Амир) билан боғланади. Бориб сўроқласанг, топасан» деб васият қилганлигини сўзлайди. Хожа авлодлари томонидан муайян этилган бу маълумотлар унинг Термиз шаҳри фарзанди эканлигини тасдиқлайди.

«Дастур-ул-мулук» панднома жанрида ёзилган бўлиб, давлатни бошқариш нуқтаи назаридан Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», поклик, имон, адолат, эътиқод, эзгуликни таъриф-тавсиф этишда Саъдий Шерозийнинг «Бўстон» ва «Гулистон», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Анвари Суҳайлий», «Аҳлоқи Мухсиний», Алишер Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» асарларида талқин этилган анъаналарни давом эттирганлигининг гувоҳи бўламиз. Зеро, адибнинг ўзи асарининг кириш қисмида Саъдийга тақлид қилиб, «гапдонлик денгизининг ғаввоси, суз диёрининг юрар эди. Энди менинг толеи паст юлдузим (тақдирим) учар қанотларимни синдириб, турмуш лаш-лушларининг тор дарасига ташлади. Шу сабабли мен ҳозир мақсадим майдонига ўз хоҳишим уруғларини сепмоқдаман. Агар беназир Оллоҳ раҳмдиллик қилиб ёмғирни берса, бу қора ерга ташланган уруғ кўкариб, ўз ҳосилини беради...»

«Дастур-ул-мулук» хотимасида адибнинг ўзи бу асарнинг моҳияти ҳақида фахр билан қуйидагича ёзади:

Масеҳр мўъжизати нусхасидир бу китоб,
Беморлар дил ҳоҳиши дорусидир бу китоб.
Қалб боғининг бир саҳифасидир ҳар вараги,
Ҳар бир сўзидир, кўнгилларнинг нурли чироғи.

Бунда бўрттирилган чун ҳар хил мавзу, хаёл.
Жилдини ясадим кийик терисидан филҳол.

(форс-тожик тилидан таржима мақола муаллифиники).

Асарнинг йигирма бир фаслида адолат, жасорат, мулозимларни танлаш ва уларнинг аҳволидан хабардор бўлиб туриш, юмшоқ табиатли бўлиш, жаҳлни жиловлаш, элчиларни танлаш ва уларнинг вазифалари, душманнинг сўзига ишонмаслик, маслаҳатнинг фойдаси, подшоҳ илтифотига мағрур бўлмаслик, вазифаларнинг вазифаси — ўйлаб гапириш, номард, паст одамлардан эҳтиёт бўлиш, ҳасаднинг зарари, худодан умид қилиш, қариларнинг ёшларга насиҳати, сафар қилишнинг нафи ва маъноси, қарилик, ишқ ва дунёнинг бевафолиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Самандар Термизий асарининг сўнгги варақларини қуйидаги орзулар билан ёпади: «Умидим шуки, ҳаёт ва давр ҳақида тоза ва оппоқ саҳифаларга қалам билан ёзилган бу қимматбаҳо гавҳарга ўхшаш панд-насиҳатларнинг қадр-қимматига етиб, иззат-ҳурмат ила шарафлаб, қабул қилгайсизлар...» Биз Хожанинг бу қимматбаҳо гавҳарга ўхшаш панд-насиҳатларини қадрига етиб, форс-тожик тилидан ўзбек тилига ўгирдик. Шу таржимадан баъзи лавҳаларни ҳурматли муштарийларга ҳавола қиламиз.

ЛАВҲА

Азизим, ҳамма вақт мамлакат аҳволи ва халқ фаровонлиги учун зарур бўлган нарсаларни бунёд этиш йўлида сай-ҳаракат қилган, тинниб-тинчимаган ва бундай одатни ҳамиша ўз хотири саҳифаларига нақш этиб, марҳамат майдонида халқ бошига шафқат ва меҳрибонлик байроғини жилвалантириб, баланд кўтарган подшоҳгина ўз вазифасини адо этган бўлади...

***

Азизим, зудлик билан жангга кириб, оловкор шамширининг суви билан ёмон ниятли рақибнинг номини ҳаст лавҳасидан ювиб ташлаган, душманнинг олазарак кўзларини зафар тоши билан ўйиб, мурод пиласи лабидан роҳатланиб май ичган, даврининг номдор, шижоатли баҳодирларигина мамлакат келинчагини ўз бағрига босишга ҳақлидир.

***


Азизим, уруш пайтида, кенг майдонда ор-номус учун қураш кетаётган бир вақтда мард киши шуҳрат, жону мол тўғрисида ўйламаслиги керак, уларни кераксиз, бекадр бир нарса деб билиб, астойдил жанг қилмоғи лозим. Чунки уруш кунида шуҳрат, мол орттириш йўлида безовта бўлишдан кўра, жанг ташвиши кулфати тўғрисида ўйлаш минг марта аълодир. Бинобарин, айтадиларким:

Номусу номингдан кўра афзал бўлса бошинг,
Бошингга паранжи ёпин, хотинлар бўлсин йўлдошинг.

Жаббор ЭСОНОВ,
Термиз Давлат университетининг доценти.

Футболимиз равнақи йўлида

ҲОКИМ ТЎП СУРГАНДА...



«Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилинганига икки йилдан ошди. Бу ҳужжатнинг юртимизда футбол довруғини оламга ёйиш, жаҳон майдонларида тўп суришга қодир йигитларни тарбиялашдаги аҳамияти амалда кўринмоқда. Мухлисларнинг мамлакатимизга ўзгача ҳавас ва ҳурмат билан қарашаётгани ҳам шундан.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида юртбошимиз спорт соҳасига ҳам алоҳида тўхталиб, жисмоний тарбия ва спортни ҳар томонлама ривожлантириш — эл соғлиғи ва Ватанимиз нуфузини ошириш омили эканини алоҳида уқтирди. Мамлакатимиз барча туманларида замонавий ва жаҳон талабларига мос ўйингоҳлар барпо этиш лозимлигини таъкидлади. Жойларда ҳокимларнинг футболга мутаассадди этиб тайинланиши айни муддао бўлди. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларидан Мирзажон Исломов (Фарғона), Бургутали Рапиғалиев (Наманган), Мавлон Раҳмонов (Бухоро), Козим Тўлаганов (Тошкент), Жумақул Қурбонов (Муборак), Муҳаммаджон Қурбонов (Шаҳрихон), Анвар Алиев (Чилонзор), Абдуманнон Абдувосиқов (Бўстонлик) ва бошқалар бу борада ибрат бўлиб туришибди.

Футбол шайдоларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Бағдод туман ҳокими Абдуқаҳҳор Абдусаматов ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. Маълумки, Бағдод ўзининг моҳир спортчилари-ю ва мураббийлари билан ном қозонган туманлардан. Ўрта Осиё мутлақ чемпиони, Ўзбекистон биринчилигининг 12 бор ғолиби Аъзамжон полвон Раҳмонов, машҳур курашчи Маҳсум полвон ва унинг Ҳомид полвон, Қўшоқ полвон, Матёқуб полвон каби шогирдлари, Ўзбекистоннинг 5 карра чемпиони, Ўрта Осиё чемпиони, эркин ва миллий кураш бўйича спорт устаси Рустам полвон Тожиев, республикада хизмат кўрсатган тренер, Ўзбекистон чемпиони, спорт устаси Баҳтиёр Ҳайдаров ва бошқалар бағдодликлар фахри ҳисобланади.

Туманда футболга ҳам эътибор кучаймоқда. «Бағдодчи» биринчи лига аъзоси. Туман биринчилиги ва кубоги мусобақаларида ўттиздан ортиқ команда қатнашяпти. Абдуқаҳҳор Абдусаматов Бағдод туман фаоллари йиғилишида сўзга чиқиб, футболга оид ишлар ҳақида мулоҳаза юритади. Ташкилот раҳбари, жамоа хўжаликлари раислари ҳокимнинг таклифларини маъқулладилар. Мавсум олдидан ана шундай ҳаракатлар бўлганди. Бундай тадбирни ҳафтасига тўрт марта эрта тонгда ўтказиб туришга келишилди. Машғулот раҳбарлари ҳам аниқланди.: ҳокимнинг ўзи «Пахтакор» жамоа хўжалиги, биринчи муовин Холматжон Қорабоев Охунбобоев номли жамоа хўжалиги, муовин Ваҳобжон Жалилов «Намуна», Баҳтиёр Ҳайдаров туман маркази, солиқ инспекцияси бошлиғи Шуҳрат Қорабоев эса «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига белгиланди.

Сираси, раҳбарларнинг эрталаб соат 5 да стадионларда тўпланиб, тўп тепишларига ишонмадим. Аммо «Бағдодчи» командаси бошлиғи Валижон Солиев билан стадионларни айлангач, шубҳага ўрин қолмади. «Ҳаваскор» футболчиларнинг ҳайқириқларию, ҳозиру нозир мухлисларнинг қарсаклари эшитиларди. Ҳоким ўнг қанот ҳужумчиси ўрнида ҳаракат қиларди. Унинг ўзига хос тўп оширишларию, рақибни чалғитишлари эътиборни тортади. Ўйин якунланиб, терлаб пишган ўйинчилар — ҳокиму раислар ўртасида аския авжга чиқади.

— Футбол — севимли машғулотимиз, — дейди Абдуқаҳҳор ака. — Кўрганингиздек, турли соҳа ва ёшдаги кишилар футбол ошуфтаси. Ўйинда ҳоким ё хизматчи деган гап йўқ. Шароит барчага баробар. Кайфият кўтарилиб, руҳимиз тетиклашади. Чарчаш йўқ, иш унумли. Ўтган йили бир гуруҳ мутахассислар билан Голландияда бўлганимда «Аякс», «Витесс» профессионал командалари учрашувини кўрдим. Қишлоқ стадионлари майдонида турли ёшдаги кишилар учрашувини кузатдим. Дардни тортган табиб, деганларидек ўзимиз ҳам тўп сурсак футболчи аҳволини яхшироқ тушунамиз.

Уйнаб завқланган Эркин Усмонхўжаев номли жамоа хўжалиги раиси Мусажон ака Ҳакимовни суҳбатга тортдик:

— Жамоа хўжалигимизда саксонинчи йиллардаёқ футбол командалари ташкил этилган эди. Ўша даврда командамиз учрашувларида иштирок этганлардан кўрилиш бошқармаси бошлиғи Мурод Останақулов, қўриқлаш бўлими бошлиғи Мухторали Тошхўжаев, ўқитувчи Эргашали Янгибоев яхшигина ўйинчилар эди. Ушанда баъзилар: «Қаранг раис тўп тепиб юрибди» деган гаплар қилишган. Футболни ривожлантириш ҳақидаги қарордан сўнг футболга муносабат анча ўзгарди. Командаларни жамлаш, спорт формалари билан таъминлашга аҳамият кучайди. Тумандаги 12 жамоа хўжалигининг тўрттасида стадион мавжуд. Эркин Усмонхўжаев номли жамоа хўжалигида яна бир стадион қурилиши бошлаб юборилган. Қолганларида шу мақсадда ер ажратиш масалалари ҳал этилган. «Пахтакор» жамоа хўжалигида теннис корти ва кураш майдони қуриш жадал олиб борилмоқда.

Абдуқаҳҳор ака биринчи лига аъзоси — «Бағдодчи» командаси ҳақида сўзлайди:

— Тренерлардан Зоҳид Санақулов, Руслан Шчербак, Элвер Абҳаиров, Нерд Айриев, Асхат Абдулин, Ҳаким Номозовлар турли йилларда «Бағдодчи» командаси аъзоларига мураббийлик қилишган. Туман стадиони қайта таъмирланди. Команда аъзолари учун спорт базаси яратилди. «Бағдодчи»да тўп тепиб танилган футболчилардан Наримон Осмонов «Нефтчи»да, Фарҳод Эргашев «Атласчи»да, Шуҳрат Раҳмонқулов, Акмал Абдурасулов, Алишер Отажонов, Ғайрат Райимжоновлар МҲСК командасида ўйнамоқдалар. Улар билан фахрланамиз. Ҳозир командамиз биринчи даврa учрашувларидан сўнг 21 очко тўплаб, тўртинчи бўлиб турибди. Футболчиларимиздан Собиржон Жумаев, Анвар Назимов, Жаҳонгир Чилматов, Аҳрор Қодиров, тўпурар ўйинчимиз Зайнобиддин Бурхоновлар севикли ўйинчилардир. Мақсад кузда лиганинг энг кучли жамоалари билан баҳорда олий лигани кўзлаш.

— Футболчиларимиздан қайси бирини маъқул кўрасиз?

— Икки хил фикр бўлиши мумкин эмас. Яхши кўрган футболчим ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Оврўпо чемпиони, катталар ўртасида Осиё ўйинлари ғолиби, хизмат кўрсатган спорт устаси Миржалол Қосимов. Владикавказнинг «Спартак» командаси пешқадамлик қилаётган экан, бунда камтарин ва меҳнатсевар ҳамюртимизнинг ҳам салмоқли ҳиссаси борлиги билан фахрланамиз. Илоҳим ўлкамиз футболчилари орасида Миржаллоллар кўпаяверсин. Мен бир нарсани режалаштириб қўйдим, саломатлик бўлса, мавсум тугагандан сўнг Миржалолни оила аъзолари билан Бағдодга чорлаб, унинг шарафига стадионда халқаро учрашув ўтказамиз. Хуллас, ҳар шанба бизда футбол куни. Раҳбарлар «ҳисобот» топширадилар...

Дарвоқе, раҳбарларни бўш вақтда саломатликни мустаҳкамлаш учун саъй-ҳаракат қилишлари соғлом турмушга янгича муносабатдан нишона. Тиниб-тинчимас туман ҳокими Абдуқаҳҳор Абдусаматов бошлаган иш ҳали кўпга ибрат бўлса, ажабмас.

Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ.

Спорт

Биринчи лига

УРГАНЧЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

• Биринчи лига жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг 18-тур ўйинларини ўтказишди.

Олий лига ўринбосарлари орасида Урганч динамочилари астойдил илдамлашмоқда. Бу жамоа ҳозир биринчи гуруҳ пешқадами бўлиб турибди. Кетма-кет эришилган ғалабалар мухлисларда ишонч ва умид уйғотмоқда. Улар бу жамоанинг кузда ўтказиладиган саралаш босқичда омади келиб, олий лигага чиқишини ўйлашмоқда. Динамочилар навбатдаги учрашувни сафарда «Йигирувчи» майдонида ўтказиб, 3:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Улар 12 ғалаба билан очколарни 39 тага етказишди.

• Халқаро майдонда

БЕШ ЮЗ МИЛЛИОНЛИК ФУТБОЛЧИ

• Владикавказда ўзига хос футбол байрами бўлиб ўтди.

Бу ерда Шимолий Осетия Республикаси Президенти кубоги учун ўтказилган халқаро мусобақа мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Майдон эгалари «Спартак — Алания» футболчилари финалда Мадриднинг «Атлетико» клубидан устун келиб, бош совринни қўлга киритишди. Бу учрашувга қизиқиш бениҳоя бўлганлигининг боиси соврин учун кураша Бразилия, Испания ва Бельгиядан келган жамоалар ҳам иштирок этишганидир. Билет нархлари 10-100 минг рублгача чиқди. Қизиғи шундаки, ҳал қилувчи учрашувда спартакчилар устози Валерий Газзаев «пинҳона» ниятини амалга оширди. Чунончи, танаффусдан кейин у ярим ҳимоячилар Инал Жиоев билан Баҳв Тедеевни майдонга туширди. Инални Арзамасдан «Спартак»ка келтириш учун бекорга беш юз миллион рубль сарфланмагани маълум бўлди. Моҳир ўйинчи ошириб берган тўпни Анатолий Канишчев дарвозага йўллаб, спартакчиларга ғалаба келтирди. Учинчи ўрин Бразилиянинг «Васко да Гама» клубига насиб этди.

Шифо масканлари

ХУМСОННИНГ ХУШ ҲАВОСИ

Кечаси қаттиқ момақалдироқ бўлди. Чақмоқ қиличи булутларни тилимлаб ташлашга, гулдурак осмонни ёриб юборишга қасд қилгандек... Кетидан шариллаб ёмғир қуйди. Ҳаво мусаффо... Анвойи қуқатлар иси, арча ҳиди анқийди. Қаердадир даре шовуллайди. Узингизни қушдек енгил сезасиз. Рўпарангизда қад кериб турган, чақмоқ ёғдусида янаям маҳобатли туйилган чўққилар томон учингиз келади... Ҳолбуки ҳозир баҳор эмас, айни саратон...

Кавказ тоғлари, Кисловодск оромгоҳларида дам олганлар бундай манзарани кўп кўрганлар. Фақат бу Кавказ ёки Қора денгиз соҳиллари эмас, Тошкентдан 80 чақирим нарида жойлашган ўзимизнинг макон — «Хумсон» санаторийси. Иқлими, манзараси, тоғлари, арчазорлари, шовуллаб турган дарёси машҳур Кавказ шифохоналаридан яхшироқ бўлса борки, кам эмас.

Кўп йиллар давомида биз марказий курортларга боришга ўрганганмиз. Бунинг сабаби оддий. Биринчидан, бундан ўн йиллар аввал ўша манзилларга бориб хордиқ чиқариш унчалик қиммат эмас эди. Иккинчидан, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек биз ўз юртимиздаги бундай жаннатмаво масканларга унчалик эътибор бермаганмиз. Ҳолбуки Фарғонанинг Шоҳимардон, Наманганнинг Чортоқ ва Косонсойи, Қашқадарёнинг Мироқиси, Сурхондарёнинг Бойсун тоғлари, Тошкентнинг Угам, Пском, Белдирсой бўйларидаги табиат ато этган гўзал манзилларни дунёга кўз-кўз қилсак арзийди. Юртимиз заминидаги деярли ҳар бир вилоятдан чиққан шифобахш маъданли сувлар ҳақида гапириш шарт ҳам эмас. Фақат биз уларнинг қадрига етмаганмиз, керакли даражада ташвиқ қила олмаганмиз.

Азим шаҳар Тошкент биқинида жойлашган «Узбекбирлашув»га қарашли «Хумсон» санаторийси ҳам шундай ҳушҳаво масканлардан.

—Санаторий асосан асаб тизими, нафас олиш ва қон айланиш узвиятлари хасталикларини даволашга мўлжалланган, — дейди бош шифокор Раҳматилла Саъдуллаев. — Кейинги йигирма йил ичида шифо истаб келувчи меҳнаткашларга кўмак бериш учун қўлдан келганча ҳаракат қилаяпмиз. Аслида бу ҳақда дам олувчиларнинг ўзи баҳо бергани маъқул.

«Қўлдан келганча» деганда Саъдуллаев узбекона камтарлик қилаётганини тушуниш мумкин.«Хумсон» санаторийси 1972 йили ишга тушган. Ўтган йигирма уч йил давомида бу ерда 60 мингдан ортиқ одам даволанган ва ҳордиқ чиқарган. Дастлаб қурилган коттеж типидаги мўъжаз бинолар йил сайин ортиб бораётган талабга жавоб бермай қолгани табиий. Шу боисдан 200 ўринли замонавий янги бино ишга туширилди. Шифо масканининг ёрдамчи хўжалиги, балиқ ҳавзаси, асаларичилик хўжалиги, боғ ва узумзорлари бор. Санаторийда замонавий ускуналар, лазер нури, сув, электр билан даволаш системалари йўлга қўйилган. Чумилиш ҳавзаси, ёзги ва қишки кинотеатр, сартарошхона, кутубхона ва бошқалар бор. 300 ўринга мўлжалланган ошхонада дам олувчиларнинг буюртмаси асосида миллий таомлар тайёрланади. Сут, қатиқ, қаймоқ, балиқ, сабзавот, асал ва бошқалар кўпинча ёрдамчи хўжаликнинг ўзидан чиқади.

Бош шифокор Р. Саъдуллаев дам олувчиларнинг ўзи гапиргани маъқул дегани ҳам бежиз эмас. Бу даргоҳда турфа хил касб эгалари даволанади ва ҳордиқ чиқарадилар. Улар орасида уруш ногиронларидан тортиб оддий механизаторгача бор.

— Мен, — дейди, Янгийул тумани Эски Қовунчи қишлоғидан келган уруш ногирони Собиржон Отабоев. — Мана, ун беш йилдирки, умр йўлдошим билан шу ерга келиб дам оламан. Ҳавоси тоза. Одамлари яхши. Ҳаммаси барака топсин.


Фарғона вилоятининг Фурқат туманидан келган уруш ва меҳнат фахрийлари Ҳ. Нурматов билан Т. Деҳқоновлар ҳам шундай фикрда.

— Биз бу ерга учинчи бор келишимиз. Ҳавосига гап йўқ! «Хумсон» да уч ҳафта дам олсак бир йилгача юрагимиз безовта қилмайди. Одамларини айтинг! Дўхтирларидан тортиб ошпазигача одамохун...

Шифоланувчилар Эрмат Санаев, С. Г. Черних каби врачлар, Маъмура Пирматова, Мавжуда Қорабоева сингари ҳамширалар, Тоҳир Жуманов, Сурайё Икромова каби ошпазларни чин дилдан дуо қилишлари бежиз эмас.

Албатта, ҳозирги иқтисодий шароит шифохонанинг айрим жиҳатларига таъсир қилмаслиги мумкин эмас. Ваннахона ва бошқа муолажа жойларидаги қатор ускуналар эскирган. Бундан ташқари, айниқса ёз фаслида даволаниш ва ҳордиқ олишни хоҳловчилар оқими кўпайиб кетади. Бу ҳам шифохонага бир қадар мушкулликлар туғдиради. Аммо бир сўз билан айтганда, «Хумсон» санаторийси фақат уз юртимиз эмас, қушни Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа минтақалардаги меҳнат аҳлини ҳам узига жалб қиладиган масканлардан. Энг муҳими, бу ерда оддий меҳнаткашларга — кекса-ю ёш барчага баравар эътибор билан қарашга ҳаракат қилишади.

Ў. ХАЛИЛОВ.



Ҳо, ялло, ялло қизгина
Жамалаги тилло қизгина.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

ОМОНАТ ИШ ОВОРА ҚИЛАР

Гиёҳвандлик — иллат

Май ойида бошланган «Қорадори-95» тадбири натижасида вилоятимизда 385 та ҳолат аниқланди. Аниқроқ қилиб айтганда, 97759 квадрат метр жойдаги кўкнори ва ёввойи ҳолда ўсган 6131 квадрат метр жойдаги гиёҳванд ўсимлиги йўқ қилинди. Вилоят туманлари ичида Бахмал ва Ғаллаоролда бундай ҳол нисбатан кўпроқ қайд этилди. Бахмал туманида 228 та жой аниқланган бўлиб, унинг умумий майдони эса 95089 квадрат метрни, Ғаллаорол туманида 89 ҳолат қайд этилиб, экилган умумий майдон 1806 квадрат метрни, Фориш туманида аниқланган 9 та жойнинг майдони 135,5 квадрат метрни, Арнасой туманида 4 квадрат метрни, ёввойи ҳолда ўсгани эса 6105 квадрат метрни ташкил қилади. Юқоридаги ҳодисалар юзасидан гиёҳванд ўсимликлари ўстирган 181 нафар фуқаро аниқланди, 107 та жиноий иш қўзғатилди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, гиёҳванд ўсимликларини ўстириб, мўмай пул топиш йўлига кирган кимсалар тоғли ҳудудларда катта-катта майдонларда «деҳончилик қилаётгани» кишини ташвишга солади.

Бахмал тумани «Узунбулоқ» ширкат хўжалигига қарашли ғаллазорларда 2848 квадрат метр, яна 750 квадрат метр ва бу ерда 10136 квадрат метр кўкнори ўсимлиги экилган катта майдонлар аниқлангани фикримизнинг далилидир. «Узунбулоқ» ширкат хўжалиги Бахмал ўрмон хўжалигида 26330 квадрат метр, Зафаробод қишлоғи тепалигида 2232, Маданият қишлоғи пастлигида 960, Кўкчасойда 6822 квадрат метр майдондаги кўкнори ўсимлиги ўсаётганлиги аниқланиб, йўқ қилинди.

Гиёҳвандлик моддаларини сақлаш ва тарқатишга қарши кескин чоралар кўриляпти. Шу кунга қадар ана шундай ҳодисалардан 102 таси аниқланди. 87 та жиноий иш қўзғатилди. Булардан 20 таси гиёҳванд моддаларни сотиш мақсадида тарқатилаётганда қўлга олинди. Халқимизда «Омонат иш овора қилар», деган мақол бор. Шундай экан, тақиқланган гиёҳванд ўсимликни экиб, сотиш ниятида сақлаб, кейин овора бўлиб юрманг.

Музроб ЖАББОРОВ,
Жиззах вилояти ИИБ ЖҚБ бошлиғи, милиция подполковниги.

Ф. Энгельс номидаги Тошкент давлат чет тиллари педагогика институти томонидан Е. С. Мельниковага 1994 йилда берилган инглиз тили факультетини тугатганлиги ҳақидаги рўйхат сони 825/ с 024914 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда «Иқтисодий назария» кафедраси жамоаси кафедра доценти Саидаҳмад Акилбекович Адегеевга рафиқаси

Ҳабибахон АДЕГЕЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:


Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0334.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи Р. ШОДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20. 20.

1 2 3 4 5 6.